



Курбон Ҳайити
муборак
бўлсин!

14 июнь – Бутунжаҳон
донорлар куни

ДОНОРЛИК ҚАҲРАМОНЛИКДИР!

Азиз донорлар!
Аввало, барчангизни 14 июнь – Бутунжаҳон донорлар куни билан чин қалбидан табриклайман!

Бундан роппа-роса 19 йил олдин, аниқроғи, 2005 йилнинг май ойида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Халқаро Ассамблеясида дунё давлатлари соғлиқни сақлаш вазирлари томонидан беғараз қон донорлигини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклиф маъқулланган эди. Шундан буён ҳар йили дунё миқёсида кенг нишонланадиган бу байрам юртимизда ҳам турли тадбирлар, хайрия акциялари билан биргаликда ўтказиб келинади.

Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган меҳр-муруватнинг бу олий кўриши қанчадан-қанча инсонлар ҳаётини сақлаб қолишда, бемор юртдошларимизнинг турли оғир хасталикларни енгиб ўтишида муҳим омили ҳисобланади.

Хурматли донорлар!
Мамлакатимизда беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш, уни аҳоли орасида кенг тарғиб этиш ишларида «Адолатчи»лар ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Партиямиз томонидан 8 йилдан буён анъанавий тарзда – «1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни» ва «3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни» муносабати билан «Бор меҳримиз сенга, болажон!» номи остида ўтказиб келинаётган беғараз донорлик акцияси мазкур эзгу мақсадга партиянинг хайрихоҳлигини намоён этади.

Мазкур акция ўтган 8 йил давомида 28 833 нафар фуқароларни кўнгилли донор сифатида иштирок этишга, натижада 9 517 литр ҳаёт томчилари йиғилиб, 44 321 нафар болажоннинг саломатлигини тиклаш ва ҳаётини сақлаб қолишга сабаб бўлганини инобатга олсак, қўлга киритилган бу натижанинг ҳаётбахш кучини сезиш қийин эмас, албатта.

Қадрли меҳр-муруват соҳиблари!
Барчангизга соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт, ўқиб ва ишларингизда улкан зафарлар ёр бўлишини тилайман. Томирингизда оқайтган ҳаёт томчилари бундан кейин ҳам инсонлар саломатлигини асраб қолишда кўмакдош бўлаверсин!

Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси



ИНСОНЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИШНИНГ АДОЛАТЛИ МЕЗОНИ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудованинг ҳудудлардаги партия ташкилотлари ва уларнинг фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадидаги навбатдаги сафари Тошкент вилоятига бўлди

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Жорий йил май ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Туркия Парламенти Спикери Нурман Куртулмуш билан бўлиб ўтган учрашувда таъкидландики, икки мамлакат бирлашиб, ўз алоқалари ва ҳамкорлигини янада ривожлантирадиган бўлса, барча туркий мамлакатларнинг тинчлик ва фаровонлигига ҳисса қўшишга муваффақ бўламиз.

Ўзбекистонда таълим, тиббиёт ва банк сектори соҳаларида порахўрлик иллати кенг учрайди. Бунинг сабаби нима? Таълим ва тиббиётда бу иллатнинг авж олиши сабабларидан бири ва асосийси ишсизлик, иш ўринларининг етарли эмаслиги, аҳолининг кичик бўлса-да, муқим маош ва тайинли иш ўрнига эга бўлиш имтиёздир.



Тараққиёт йўлидаги тўсиқ

ЗАМОНАМИЗНИНГ ЗАБАРДАСТ ЗИЁЛИСИ



ИЛМ ХАРИТАСИНИ

МУКАММАЛ
ЭГАЛДАНГ...

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида дастлаб "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси Тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Вазирлар Мақамасининг мақоми, таркиби, уни шакллантириш тартиби, ваколатлари ҳамда фаолиятини ташкил этишга оид бир қатор янгиликлар назарда тутилмоқда.



ТАКЛИФЛАРИМИЗ

ҚОНУН ЛОЙИХАСИДА АКС ЭТДИ

Фракция аъзоси Муҳаммад Валиев ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида бир қатор ишлар амалга оширилган, лойиҳани биринчи ўқишда муҳокама қилиш чоғида берилган таклифлар эътиборга олинган ва қонун лойиҳаси матнида акс этганини билдирди.

Депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Вазирлар Мақамаси ишини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, замонавий механизмларни жорий этиш, ҳукуват аъзоларининг бириктирилган соҳаларда аниқ натижаларга эришиши учун шахсий масъулиятини оширишга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат – "Судларда ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш

ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Мунозаралар довомида фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасини партиясайловолди дастурини белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг суд йўли билан таъсирчан ҳимоя қилинишига эришишда ишлар кўрилишида иштирок этувчи прокурорлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш оид судловни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда қонунчилигимизда судларда фуқаролар ва иқтисодий ишлар кўрилишида прокурорлар давлат манфаатларига оид айнан қандай тоифадаги ишлар кўрилишида иштирок этиши аниқ белгиланмаган. Бу эса қатор суд муҳокамаларида прокурор иштирокини таъминлашда муаммоларни юзага келтирмоқда.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида судларда ишлар кўрилишида прокурор давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ерга оид ҳуқуқий носоабатлар билан боғлиқ ишларда, давлат мулки билан боғлиқ ишларда, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ҳақидаги қонунчилик бузилиши, давлат бюджетидан ундирувлар билан боғлиқ ишларда, ўзбошимчилик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш, хусусий мулк сифатида эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш фактини аниқлаш, божхона тўловларини ундиришга оид ишларда иштирок этиши белгиланмоқда.

Фракция аъзолари Гулруҳ Агамова ва бошқалар қонун лойиҳасининг ахамиятига тўхталиб, лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирди. Айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар беришди. Қонун ташаббускорлари кўтарилган масалалар бўйича батафсил тушунтириш беришди.

Йиғилишда фракция ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Жамоатчилик назорати

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Мактаб ўқувчилари учун эзги таътил бошланди. Фарзандимизни соғломлаштириш ва кўнглини дам олишини ташкил этиш ҳар бир ота-онани ўйлантириши аниқ. Бу борада оромгоҳлар энг яқин кўмакчи. Савол туғилади: оромгоҳлар мавсумга тайёрми? Яратилган шароитлар қандай?



Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши фаоллари юқоридаги саволларга жавоб топиш мақсадида болалар оромгоҳларида жамоатчилик назорати тартибида ўрганиш ишларини олиб бормоқда. Жумладан, Жалақудук тумани, "Охунбобоев" МФИда жойлашган "Оқ булоқ" болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлган партиядошларини муассаса ҳаёти билан танишдилар.

150 ўринга мўлжалланган маскан ўзининг гўзал табиати билан эътиборингизни тортади. Спорт майдончаси дам олувчиларни турли спорт ўйинлари билан шуғулланишга чорлайди. Ахборот ресурс маркази ва компьютер хонаси билимларни оширишга хизмат қилади.

Ётоқхона, ошхона ва тиббиёт хоналари ҳам замонавий кўринишда, кўнглидагидек жиҳозланган. Озиқ-овқат омбори витаминларга бой маҳсулотлар билан тўла. Бир сўз билан айтганда, болажонларнинг сифатли дам олишлари учун керакли барча шарт-шароитлар яратилган.

12 кунлик дастур ранг-баранг тўзилган. Кунлик тадбирлар кичкинтойларнинг билимларини мустаҳкамлашга, ўзaro куч синашишга қаратилган. "Энг фаол китобхон", "Энг чаққон бола" каби танловлар уларни фолликка чорлайди.

– Фарзандларимиз учун оромгоҳлар энг муносиб жой бўлиши керак, – дейди "Адолат" СДП Жалақудук туман кенгаши раиси Барноҳон Бозорова. – "Оқ булоқ"ни ўрганиш давомида бунга амин бўлдик. Бугунги болалар жуда бахтли. Эзги таътил давомида мароқли дам олиб, куч тўплайди. Бу борада оромгоҳ масъуллари ҳар бир ишга эътибор билан қарашадиганига гувоҳ бўлдик.

Андижонлик "адолатчилар" оромгоҳларда ўрганиш ишларини давом эттиришмоқда.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

Депутатлик гуруҳларида

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ДОИМЙ ЭЪТИБОРДА

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Руиддин Раупов ўз сайлов округида муаммоларга ечим топаётгани сайловчиларни мамнун этмоқда.

– Айни пайтда депутатларимиз ва партия ташкилотларимиз масъулари асосий эътиборни халқ билан мулоқот қилишга қаратмоқда, – дейди Р.Раупов. – Аҳоли билан очик мулоқот, вилоят, туман, шаҳар кенгашлари қошида очилган "Адолат қабулхонаси" ишини янада яхшилаш, жойларда партияимиз фаоллари ва депутатларимизнинг сайёр қабулларини ташкил этиш биринчи галдаги вазифа қилиб белгиланган...



номидан Анвар Хўжақулов мурожаат қилиб, маҳаллада йил сайин аҳоли сони ортиб бораётгани, хонадонларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш эса муаммолигича қолаётганини билдирди. Бу масалада бир неча йиллардан буён мутасаддиларга мурожаат қилинмоқда. Афсуски, аҳоли арзини ҳеч ким тингламаяпти. Ушбу муаммони партия вилоят кенгаши раиси Руиддин Раупов назоратга олди ва аҳолини масъуллар иштирокида ўрганди. Тегшли идоралар томонидан 3600 метр масофага ичимлик сув қувурлари тортилса, аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлади. Руиддин Раупов муаммони бартараф этиш юзасидан "Қашқадарё сув таъминоти" МЧЖ директори Б.Шойимов номига депутатлик сўрови юборди. Депутат аралашуви билан маҳалла ахлини ўйлантириб келаётган муаммо тез кунда ўз ечимини топаётгани бўлди.

ўзaro ҳамкорликдаги фаолиятига боғлиқ. Депутатлик гуруҳи аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Муҳаббат Шаропованинг вилоят ҳокимлиги оила ва хотин-қизлар бўлими, давлат, жамоат ташкилотлари билан таълимда масъуллигини ошириш, "оила-маҳалла-мактаб" ҳамкорлигини кучайтириш, қизларни эрта турмушга узатиш ҳолатларининг олдини олиш, маънавий-маърифий ишларни юқори босқичга кўтариш, соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш, наврафон авлоднинг китоб ўқишига зарур шарт-шароитлар яратиш борасида амалга ошираётган ишларидан вожа жамоатчилиги мамнун бўлаётди. Ҳозиргача депутатнинг бевоасита кўмаги билан оилада гендер тенглик масаласида муаммога дуч келган 46 нафардан ортик аёлларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. 250 нафар хотин-қиз мономарказларга касб-хўнара ўрганишга йўналтирилди.

Жумладан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Муҳаббат Шаропова "Шайхали" МФИ фуқароларининг дардини тинглади. Муаммоларини ўрганди. Тўшақда этиб қолган хасталар ҳолидан хабар олди. Юзма-юз мулоқотда маҳалла фуқаролари ички йўллари тартибга келтириш, бандлик, кредит, даволаниш учун ордер олишга ёрдам сўраб мурожаат қилдилар. Депутат маҳалла ахлидан тушган таклиф ва муаммоларининг асосий қисмини шу ернинг ўзида ҳал этишга эришди. "Шайхали" шаҳарчасида тез тиббий ёрдам биноси қурилишини тугатиш ва замонавий тез тиббий ёрдам автомашинаси билан таъминлаш борасида аҳолининг мурожаати асосида депутат вилоят ҳокими М.Азимов номига депутатлик сўрови юборди.

"Пахтазор" МФИда яшовчи Дилафруз Тўйчиеваннинг бир ой аввал субсидия олиш ва уй-жой масаласида қилган мурожаати ҳам депутатнинг эътиборида қолмади. Муҳаббат опа ушбу масалани ўрганиб, тегшлиги бўйича Қарши шаҳар ҳокимлиги тасарруфидаги ташкилотга депутатлик сўрови юборди. Натижада фуқаронинг мурожаати ижобий ечим топди.

Кўйли Нарзуллоевни қашқадарёликлар фидойи, саховатпеша депутат сифатида эъзозлашади. Унинг кюночкалиги тўдайли Миршор туманидаги Помук шаҳарчаси обод бўлиб бораётди. Биргина шу йилнинг ўзида аҳоли талаби асосида депутатнинг сай-ҳаракати билан "Бархот" маҳалласида йўллар таъмирланди. Депутат кўмаги билан 22-сонли умумтаълим мактаби ва эллика яқин давлат хизматчиларининг уйлари жорий таъмирланиб, замонавий қиёфага келтирилди.

– Мен боқувчиси йўқ, ўзаалар парварлишига муҳтожман, – дейди "Помук" МФИда яшовчи нуроний Равил Толочов. – "Адолат" СДПдан сайланган депутат Кўйли Нарзуллоев менга икки хонали уй қуриб берди. Унинг одамийлиги, меҳрибонлиги, саховатпешалигидан маннунман. Ҳозирги кунда ушбу уйда тинч, осуда яшаб келаялман.

Шунингдек, депутат ташаббуси билан Помук қишлоғидаги эҳтиёжманд, ночор оила Санобар Бўриеванинг уч хонали уйи ҳам таъмирлаб берилди.

Депутат Дилрабо Темированинг ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, иш билан таъминлаш ва тadbirkorликка жалб этиш борасида амалга ошираётган ишлари ҳам ўз самарасини бермоқда.

Шахрисабз шаҳридаги "Боғишамол" МФИда истикомат қилувчи Гулчехра Ражабова субсидия ва уй олишда ёрдам бериши сўраб, депутатга мурожаат қилди. "Арабон" МФИдан фуқаро Гузал Сафарова тadbirkorликни бошлаш учун банкдан 20 миллион сўм субсидия олишда депутатдан кўмак сўради. Депутат иккала ёшга ҳам амалий ёрдам берди.

Умуман олганда, ҳар бир мурожаат асосида инсон тақдири борлигини қашқадарёлик депутатлар яхши билдирдилар. Шунинг учун депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан амалга оширилаётган ишлар, истиқболни кўзлаб қиланаётган жонбозлик, ташаббускорлик ўз самарасини бермоқда.

Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

Депутатимиз Қарши шаҳридаги "Темир йўлчилар" МФИ аҳолиси билан юзма-юз мулоқот қилганида фуқаролар томонидан халқ қилиниши зарур бўлган муҳим масалалар ўртага ташланди. Халқ ноиб аҳоли мурожаатлари асосида турли идораларга 45 та депутатлик сўрови юборди. Айни пайтда маҳалланинг 5 километрлик ички йўллари асфальт қилиш, 3 та трансформатор, 50 та электр симёғоч ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Депутат сай-ҳаракати билан аҳоли талаби асосида 300 дан ортик хонадонларнинг табиий газ таъминоти яхшиланди. Маҳаллада спорт майдончаси ташкил этилди. Маҳалладаги 26 нафар хотин-қизга тикув машинаси олиб берилди. "Темир дафтар" да рўйхатда турган 10 нафар ўзалар ёрдамига муҳтож ногиронларга доимий кўмак кўрсатиб келинмоқда.

"Адолат" СДП фаоллари ва депутатлик гуруҳи аъзолари Қарши шаҳридаги тиббиёт муассасаларида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашни янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳам ўрганиш олиб боришди. Ҳозирги кунда тиббий хизмат талабга жавоб бермаётгани ва бошқа камчиликлар аниқланиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясига масала киритилди. Айни пайтда сессияда "адолатчи" депутатлар киритган масала юзасидан қабул қилинган қарор асосида тиббиёт муассасаларида камчиликларни бартараф этиш ишлари бошлаб юборилган. Депутатлик гуруҳи йиғилишларида ҳар ҳафтада бажариладиган ишлар бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботи эшитиб борилаётган.

Партиянинг "Адолат қабулхонаси"га "Кат" маҳалла фуқаролар йиғини ахли

Жавохир Шокиров Қарши шаҳридаги "Маҳаллот" МФИда яшайди. У ўз уй-жойига эга бўлиш учун ёрдам сўраб депутат Руиддин Рауповга мурожаат қилди. Мурожаатчининг оилавий аҳоли депутат томонидан ўрганилиб, Қарши шаҳар ҳокими Н.Холбоевга депутатлик сўрови юборилди. Айни кунларда ушбу масала шаҳар ҳокимлиги томонидан ўрганилмоқда.

Чорва моллари сотиб олиш учун кредит олишда ёрдам сўраган Аббос Жўраевга эса "Ипотека-банк" бўлими ҳамкорлигида кўмак кўрсатилди.

Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати

Коррупцияни таг-томири билан қуритамиз!



Тараққиёт йўлидаги тўсик

Тараққиётга ғов бўладиган иллатлардан бири – коррупция инсониятнинг ўзи қадар қадимийдир. У замону маконга қараб фақат шаклу шамойилини янгилаб боради, холос. Коррупцияга қарши кураш олиб борилаётган бўлса-да, унга бутунлай барҳам берган бирорта ҳам давлат йўқ. Халқаро валюта жамғармаларининг маълумотларида дунёда коррупция ва порахўрлик натижасида йилига 1,5-2 триллион доллар маблағ ўзлаштирилиб, жаҳон иқтисодиётига жуда катта зарар етказилаётгани қайд этилган.

Зафар Тўхтасинов, Андижон вилоят маъмурий суди судьяси

Бугунги кунда кўпчилик коррупция деганда фақатгина иш битириш учун пул олди-бердини назарда тутаяди. Бунинг сабаби шуки, коррупциянинг бу кўриниши жамиятнинг кўйи қатламида кенг тарқалган. Аслида коррупция маънавий (фуқаролар билан мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларнинг кундалик иш фаолиятида манфаатлар тўқнашуви), ишбилармонлик (тадбиркорлик субъектлари билан ҳокимият вакилларининг муносабатларида учрайдиган) ва юқори ҳокимият органлари коррупцияси (сиёсий ҳукрон доиралар ҳамда одил судлов тизими фаолиятида кўзга ташланадиган) каби бир қанча турларга бўлинади. Коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари сифатида тадқиқотчилар тўртта омилни кўрсатадилар.

Биринчиси – иқтисодий сабаблар. Коррупциянинг бу кўриниши ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни беэҳтиёт маъмурий йўл билан бошқаришга интилган ҳокимият ва бюрократиянинг мавқеи билан бўлган давлат шарафидега ривож топаяди. Иқтисодий фаолиятга нисбатан ўрнатилган турли хилдаги чеклашлар, амалдорларнинг кенг, назоратдан холи, чекланмаган ёки рухсат бериш, ёки тақиқлаш ваколати коррупцияга замин яратаяди. Шу билан боғлиқ ҳолда, йирик маблағларга эга бўлган айрим ишбилармонлар ўз даромадларини кўпайтириш мақсадида ва рақобатда алоҳида имтиёزلарга эга бўлиш учун ҳукумат амалдорларини пора эвазига сотиб олиб, уларни ўз ихтиёрларига бўйсундиришга интиладилар.

Иккинчиси – ҳуқуқий сабаблар. Коррупциянинг ривожини қонунларнинг сифатига боғлиқ. Муқаммал бўлмаган қонунлар ишламайди ва айрим шахслар уйдабуронлик, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилмаган ёки тартибга солинмаган, умумий маънода ҳуқуқий бўлишни топиб, бундан усталик билан фойдаланадилар.

Учинчиси – институционал сабаблар бўлиб, уларга, аввало, давлат бошқаруви тизимидаги нуқсонлар, демократик институтларнинг кучсизлиги, натижада ҳукумат фаолиятининг ёпиқлиги ёки фуқаролик назоратидан холилиги қиради.

Тўртинчиси – ижтимоий сабаблар ёки жамиятдаги муҳит, аҳолининг ҳуқуқий билими, маданият даражаси, маънавияти ва жамоавий фаоллиги пастлиги каби омиллардир.

Ўзбекистонда таълим, тиббиёт ва банк сектори соҳаларида порахўрлик иллати кенг учрайди. Бунинг сабаби нима? Таълим ва тиббиётда бу иллатнинг авж олиши сабабларидан бири ва асосийси ишсизлик, иш ўринларининг етарли эмаслиги, аҳолининг кичик бўлса-да, муқим маош ва тайинли иш ўрнига эга бўлиш истегидир. Боғбонлик бўладими, фарошлиқми ё ўт ёқувчилик, нима бўлса ҳам тайинли ишга кириш истаги кишиларни йиллаб йиққан-терганларини қўшқўллаб бировга топширишга ундайди. Айниқса, ўрта махсус маълумотли кишилар орасида қандай йўл билан бўлса-да, ишга жойлаштириш истаги кучли ва бу юқоридаги соҳаларда коррупцияни ривожлантироқда. Тиббиётда эса инсон саломатлиги омили борки, у оловни янада алангалатади. Қолаверса, ҳуқуқий саводхонлигимиз билан ҳам мақтан олмаймиз. Негаки, қонунлар ўзимизники бўлган нарсани ҳуқуқларимизни билмаслигимиз сабабли пул ёки таниш-билишчилик эвазига қўлга киритишга ҳаракат қиламиз.

Статистик маълумотларга кўра, ўтган йилда Ўзбекистонда коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг ҳаммаси ҳам оммага очикланган эмас. Очикланганлари тахлил бўйича хулоса қилинганда эса сон жиҳатдан мамлакатимизда кузатиладиган энг кўп коррупция ҳолати ИПХ ходимларига тақдим этилган поралардир. Рақамларга қарайдиган бўлсак, ўтган йилда энг кам пора миқдори атиги 100 миң сўмини, энг кўп миқдордагиси эса 1,3 миллиард сўмини ташкил қилган.

Коррупция ҳолатларига барҳам бериш борасида турли қарашлар мавжуд. Албатта, бундай иллатни таг-томири билан йўқ қиламан деган давлатлар бошқа ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларига ҳам таянадилар. Айримлар коррупция ҳолатларига нисбатан жинойи жазоларни кескин қучайтириш тарафдори бўлса, баъзилар ўлим жазоси ёки тан жазоси чораларини қўллаш қулган натижаларни беришини айтадилар.

Айрим ҳудудлар мазкур иллатга қарши кескин чора-тадбирлари билан ажралиб туради. Хусусан, Хитойда пора учун бир умрлик қамоқ ёки ўлим жазоси жорий этилган.

Маълумотларга кўра, 2003 йилдан бери бу давлатда 10 миңга яқин мансабдор отувга ҳукм қилинган, 120 миң нафари эса узоқ муддатларга қамалган. Айрим ҳолатларда пора билан ушланган амалдорларнинг қўллари чопилган. Бошқа давлатларда ҳам шунга ўхшаган кескин чораларни кузатишимиз мумкин. Буларнинг барчасидан мақсад битта – коррупцияга барҳам бериш.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни 2017 йилда 4 январдан бошлаб кучга кирган. Жиноят қосида пора берган ва олган, пора олди-бердисида воситачилик қилган шахсга нисбатан БҲМнинг 50 бараваридан 100 бараваригача жарима ёки 2 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари белгиланган. Бундан ташқари, пора олган мансабдор шахс лавозимидан ва унга берилган ҳуқуқлардан маҳрум қилинади. Қўшимча қилиш жоизки, пора олган шахсга нисбатан содир этган жиноятдан келиб чиқиб, товламачилик бўйича ҳам айблов қўйилиши мумкин.

Албатта, қонун устуворлигининг таъминланиши, коррупцияга қарши қонунларнинг ишлагани, қонунни қўловчилар, яъни прокуратура, ички ишлар, адия ва оиди судлов тизими вакиллари билан адолат тамойилларидан чекинмаслиги коррупцияга барҳам беришда муҳим омил бўлади. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишга мураккаб жараён сифатида қаралиб, тадқиқот институтлари, ижтимоий тадқиқот марказлари ишлаши керак. Улар жамият аъзоларининг хатти-ҳаракатларини ҳар томонлама тахлил қилишлари лозим. Жумладан, эндигина мансаб пиллаволааридан кўтарилаётган шахс феъал-атвориди қайси жиҳатларга мойиллиқ устуновини ўз вақтида англаш ва керакли тадбирларни кўриш ҳам бу йўлда керакли оидим бўлиши мумкин.

Жамиятда коррупцияга қарши кураш қонунийлик ва имийликка асосланган бўлиши керак. Унутмаслик керакки, жиноятга жазо муқаррар.

"Меҳр қарвони"

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ!

"Адолат" СДП ташаббуси билан тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, беғараз ёрдамни қучайтириш, болалар саломатлигини муҳофаза этиш мақсадида "Меҳр қарвони" шиори остида хайрия тadbирлари ўтказиб келинмоқда.

Моҳигул РАҲИМҚУЛОВА,
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби



Бухоро вилоятининг туман ва шаҳарларида имконияти чекланган болалар учун мактаб ва мактаб-интернатлар, "Мурувват" болалар интернат уйлари, Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларида даволанаётган бемор болалар учун ҳам шундай саҳоват тadbирлари ташкил этилди.

Жумладан, "Адолат" СДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати Абдурауф Аҳмедов "Варахша" МФЙда яшовчи кам таъминланган ва имконияти чекланган болалар учун ана шундай тadbир ташкил этди. Депутат томонидан кам таъминланган ва ижтимоий ҳимомага муҳтож болаларга озиқ-овқат, дори-дармон воситалари олиб берилди.

Шунингдек, халқ депутатлари Когон туман Кенгаши депутати Шехроз Норов "Тараққиёт" МФЙда яшовчи 2-гуруҳ ногирони Лазиб Сайфуллаев ҳолидан хабар олди, унга кўмак кўрсатди.

– Бу каби хайрия ақциялари партиямиз томонидан кўплаб ўтказилмоқда, – дейди депутат Шехроз Норов, – Бу галги "Меҳр қарвони" хайрия ақциямизда ногиронлиги бўлган болаларнинг кўнглига қувонч улаишини ният қилганимиз. Партиямиз ҳудудий кенгаш раислари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамкорлигида хайрия ақцияси кенг қамровли ҳамда ногирон болалар учун унутилмас лажзалар ва таассуротларга бой бўлишига ҳаракат қилмоқдамиз.

"Адолат" СДП Пешку туман кенгаши раиси Ҳаёт Бобониезов Пешку тумани "Янгибозор" МФЙда яшовчи 1-гуруҳ ногирони Матлуба Пулатованинг хонадонидан бўлиб, унга озиқ-овқат ва дори-дармон воситаларини олиб борди.

Партиямиз томонидан илгари сурилган лойиҳанинг яхши тарафи шундаки, ҳар бир кирган хонадонимизда барчанинг кўзларида меҳр-оқибат, юртимизга, қолаверса партиямизга бўлган улкан миннатдорлик ҳислари аққол сезилмоқда.

"Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан "Меҳр қарвони" деб аталган хайрий-ҳамда савобли лойиҳа йўлга қўйилди ва меҳр-муруватга муҳтожлар, кам таъминланган оилалар ва ногиронлиги бор фуқаролар ҳолидан хабар олинмоқда.

Муҳиба САЙФИДДИНОВА,
халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати



Самарқанд вилоятининг туман ҳамда шаҳарларида ҳам кўплаб беғараз ёрдам тadbирлари амалга оширилди. Жумладан, Каттакўрган шаҳрида яшовчи, ногиронлиги бўлган Адолат исми қизчанинг айнан байрам кунларида туғилган қуни эканлиги сабаб шаҳар кенгаши депутати Шахло Ботирова уни шифохонада табриклади. Бундан ташқари, "Адолат" социал-демократик партияси Самарқанд туман кенгаши ҳамкорлигида беғараз болалар учун терапия тиббиёт бўлимида хайрия байрами ташкил этилди ва болаларга совғалар улашилди. Самарқанд шаҳар кўп тармокчи тиббиёт марказининг болалар бўлимида даволанаётган бемор болалар ҳолидан ҳам хабар олинди.

Самарқанд туман ва шаҳрида бемор болаларга байрам дастурлари ташкилланган бўлса, вилоятимизнинг Иштихон тумани "Чақар" маҳалла фуқаролар йигини, "Чақар" қишлоғидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг 4-5 ва 10- синфларида уйда таълим олаётган имконияти чекланган ўқувчилар ҳолидан туман кенгаши раиси Муталлиб Раҳимов хабар олиб, уларга мактаб томонидан яратиб берилган шароитлар билан таниши ҳамда ўқув қуролларини топширди.

Жиноятга жазо муқаррар

САВДОГАР ниқобидаги ФИРИБГАР

Элдор Зарипов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Шаҳрихон туманидаги "Дилбар ун" савдо марказида ун маҳсулотларини сотиш билан шўғулланарди. Бундоқ олиб қараганда топилган-тутиши ёмон эмасди. Аммо борган сари нафси ўпқон отиб, тадбиркорликнинг савдо айланмаси уни қаноатлантирмай кўяди. Оқибатда ҳалол савдога фирибгарлик ва гирромлик арашилади.

Султонмақсуд ХОЛБОТИРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Шаҳрихон туман судининг судьяси

Дастлаб Э.Зарипов 2022 йил декабрь ойда фуқаро Ф.Мамажоновдан қарз сўрайди. Пул бериб турсангиз, улгуржи нарҳда ун олиб келардим. Кейин бир ҳафтага қолмай, қарзини узаман.

Ф.Мамажонов ваъдада ишониб, бир ой мобайнида – 2023 йил 10 январга қадар Э.Зариповга 43 миң АҚШ долларини миқдорида қарз беради. Бироқ унфуруш йигит лафзидега турмай, савдодан тушган пуллари шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборади.

Кейинги гал Элдор Зарипов қўшни Наманган вилоятининг Учкўрган туманида истиқомат қилувчи И.Гулматовнинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдирди. Аниқроғи, бир ҳафта муддатда сотиб, пулини беришини ваъда қилган ҳолда 200 қоп "Эко маркс"

навли 48 миллион сўмлик ун маҳсулотини олиб кетади. Ҳақдорни ишонтириш учун 10 миллион сўм пул беради, холос. Қолган қарзини эса бир ҳафта тугул бир ойда ҳам қайтармайди. Негаки, унни аллақачон сотиб, пулини ҳазм қилиб юборган эди.

Буни қарангки, Олтинкўл тумани "Меҳнат" маҳалласида яшовчи А.Абдуҷабборовнинг бошига ҳам худди И.Гулматовнинг кўни тушади. Э.Зарипов уни ҳам аввалги усулда алдаб, 100 қоп ун учун 24 миллион сўм пулни олиб кетади-ю, лекин қайтаришни "унутиб" кўяди.

Бундан ташқари, фирибгар савдогар ўзининг маҳалладоши Л.Мамажоновдан ун олди-сотдиси учун 10 миң АҚШ долларини миқдорида қарз олади. Пулингизни уч кунда қайтараман, – дея одатда ёлғонини ишлатади у.



Тўйхат ўрнида



ЗАМОНАМИЗНИНГ ЗАБАРДАСТ ЗИЁЛИСИ

Умрининг 75 баҳорини қаршилаган Қозоқбой Йўлдошевни яқиндан билган, устознинг илмий маслаҳатчилигида “Мустақиллик даври ўзбек романи ва поэтикаси” мавзусидаги докторлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилган шогирд мақомида унинг меҳрибонлиги ва нозиктаъб олимлиги, ташкилотчи раҳбар ҳамда аҳил оила бошлиғи эканини кузатган, ибратланган шахс сифатида юбилей муносабати билан қутлаш, ҳаёт ва ижодларини имкон қадар яна бир қўр қайта мушоҳада этишга ниятланамиз.

Исломжон ЁҚУБОВ,
Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ Жаҳон адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик кафедраси профессори, филология фанлари доктори

Дарҳақиқат, бу ном кейинги йиғирма беш-ўттиз йил давомида Ўзбекистоннинг барча гўшаларида филология фанлари номзоди, педагогика фанлари доктори, профессор сифатида, нафақат Ўзбекистон, балки Қозғистон ва Қирғизистон (ўзбек тилидаги мактаблари) учун яратилган ўрта мактаб “Адабиёт” ўқув дарсликлари муаллифларидан бири сифатида ҳам, айни чоқда, мустақиллик даври ўзбек адабиётининг жонқуяр синчисига мартабасида ҳам эъзозланди. Илмий-ижодий ва услубий йўналишининг шу нуқталари уни XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ва XXI аср ўзбек адабиётшунос ва танқидчилари, педагогларнинг катта авлоди – бизнинг том маънодаги устозларимиздан бири, дейишга имкон беради.

Орасида илмий ходим сифатида ижодий фаолият билан шугулланди. Табиатидаги интилувчанлик, меҳнатсеварлик ва ташкилотчиликни қадрлаган устозлар унга 1994-1998 йилларда Қори Ниёзий номидаги илмий тадқиқот институтининг бўлим мудирилик, илмий ишлар бўйича директор ўринбосарлиги каби масъулиятли лавозимларни ишониб топширишди.

Қозоқбой Йўлдошев ижтимоий фаолият билан илмий изланишларни қўшиб олиб боришга ўзида куч, қурб ва имкон топа олди. У педагогика соҳаси бўйича катта илмий-тадқиқот ишларини амалга оширди. Бунинг натижаси ўлароқ, 1997 йилда “Янгича педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари” мавзусидаги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, педагогика фанлари доктори илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. Орадан сал фурсат ўтмай, 2000 йилда унга профессор илмий унвони берилди.

Устознинг меҳнат фаолияти 1998 йилдан эътиборан Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда олиб борилди. 1998-2000 йиллар орасида олим бу улғу даргоҳнинг Ўзбек филологияси факультети декани, 2000-2005 йилларда “Ҳозирги ўзбек адабиёти” кафедраси мудири, кейинчалик “Матншунослик, миллий уйғонish даври ва ҳозирги ўзбек адабиёти” кафедраси профессори лавозимларида ишлаб, минглаб талаба, кўплаб магистрант, ўнлаб катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчиларга устозлик қилди.

Қозоқбой Йўлдошев таникли педагог ва эътироф этилган адабиётшунос олим сифатида 1991-1998 йиллар мобайнида мохиятан янгилашган “Адабиёт” дарсликларини яратиб ишчи гуруҳи аъзоси, 1998-2005 йиллар орасида мазкур гуруҳ раҳбари бўлди. “Ўқитувчи китоби”, “Адабий сабоқлар” каби қатор методик қўлланмалар муаллифи сифатида илмий-адабий жамоатчиликка фаол аралашди.

Қозоқбой Йўлдошевнинг Жумабой Юсупов билан ҳамкорликда нашр

қилдирган “Бадий таҳлил асослари” (Урганч, 2008) ўқув қўлланмаси талаба ёшларнинг яқин ёрдамчисига айналди.

Юқорида саналганлардан ташқари, Қозғистон Республикасидаги ўзбек мактабларининг 5-11 синфлари учун 9 та ўзбек адабиёти дарслиги, 9 та методик қўлланмалар, Қирғизистондаги ўзбек мактабларининг 6-синфи учун “Ўзбек адабиёти” дарслиги чоп этилди. Унинг “Ёниқ сўз” номли йирик асарини истиқлолнинг дастлабки ўн-ўн беш йиллиги адабий жараёни билан боғлиқ долзарб масалалар тадқиқига бағишланди. Бу асар бадий адабиёт ва адабиётшуносликка юзага келган илмий-адабий жараёнлар, янгича тамойиллар, адабий репликация муаммоларига қизғин, самимий, холис муносабат билдирилгани билан ўзига хослик касб этди.

Қозоқбой Йўлдошев раҳбарлигида икки нафар фан доктори, ўнлаб фан номзодлари тайёрлангани ҳамда кўплаб тадқиқотчилар ўз илмий-ижодий изланишларини қизғин давом эттиришга олишганини таъкидлаш ўзига хос илмий мактаб шаклланишига нишонасидир.

Сермахсуд олим адабиётшунослик, педагогиканинг умумий муаммолари, адабиёт ўқитиш методикаси ва тилшунослик илмига дахлдор йўл ва йўсинларда битган барча дарслик, методик қўлланма ҳамда мақола унинг умумий ҳажми жиҳатидан 1500 босма табоқни ташкил этади.

Қозоқбой Йўлдошев табиатида хос аломатлардан бири ёниқ ва кескин мушоҳада юритишдир. У адабиёт ишини касб ёки жўн хўнара эмас, балки қисмат деб биладиган кўнжак тадқиқотчи. Адабий ҳодисалардан тўғри ва асосли умумлашма фикр-хулосалар чиқарадиган, айни пайтда ниғиллиқ тенденциялар, носоглом йўналишларга кескин қарши чиқа оладиган олим. Энг аввало, ижод аҳли руҳияти, бадий тафаккуридаги ўзига хос юксакликни кенг ва теран йўсинда англаш, образли тафаккур тарзи ва бадийят оламига эътибор қаратишга интилади. Адабиётшунослик ва адабий танқидчилик турлича қарашлар, илмий тафаккурлар курашининг кенг майдони эканини яхши

Қозоқбой Йўлдошев мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослиги, тилшунослиги, педагогикаси ва методика илмининг етук вакиллари билан бири. Шубҳасиз, самимиятга тўла жўшқин қалб амри билан битилган фикр-қарашларнинг таровати бизни ҳамиша мунозарага чорлайверади. Зотан, чинакам илм нафақат ҳақиқат учун кураш, балки олимнинг ўз табиитини имкон қадар тўлароқ намоён этиш майдони ҳамдир. Сўзимиз ниҳоятда бадий сўз мохиятидан ҳайрат туйғувчи миаллатимиз забардаст зиёлиси Қозоқбой Йўлдошевнинг эзгулик қарвони олис манзилларга бешикаст етиб боришига тилакдош эканлигимизни изҳор этамиз.

Бу шунчаки тилак бўлиб қолмаслиги учун олимнинг барча изланишлари, вақтли матбуотдаги мақолалари ва дарсликларини кенг таҳлилга тортишдан тийилдик. Токи, устоз саксон билан сирлашиш, тўқсон билан тўқнашиш ва юз билан юзлашишлари арафаларида ҳам муносиб тўғоналар тайёрлашга имкониниз бўлсин.

анлаган Қозоқбой ака ўз фикр-қарашларининг қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлишини билса-да, ҳақиқатга садоқат борасидаги жасорати боис, ҳеч қачон чўчимайди.

Адабиётшунос истиқлол адабиётининг инсон бош қадриятга айлангани, унинг мавқеи кўтарилгани, таъсир жараёнида туйғу-сезимлари, фикр-уйлар оқимида эътибор ҳар қачонгиданда ортганидан мамнунлигини яширмайди. Зотан, эркин плюралистик тафаккур имконлари даврида жўнликдан қутулиб, чин маъноси-ла муқаррам зотга айланган, ўзини таний бошлаган мураккаб яратилган рўй-рост акс эттиришдек соғлом тамойилдан миллий адабиётимизнинг бир вакили, тадқиқотчи олим ўлароқ, астойдил мамнун бўлишга тўла ҳақлидир.

Дарҳақиқат, Қозоқбой Йўлдошев кўп ва ҳўп тадқиқотлар яратишга эришган ва эришаётган, ўзбек халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт, тилшунослик, адабиёт ўқитиш методикаси, янги давр ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигининг вақарият тур ва жанрлари, етакчи вакиллари ижодига хос сирлар, уларнинг бадий ҳамда илмий қудратини таҳлиллар орқали кўрсатишга, ўрни билан мунозарага кириштишга фаол интилаётган жасоратли ва жонқуяр инсондир. Мухими, у дил сўзларини ахтарди. Яъни, бадий матнининг ҳам ташқи, ҳам ботиний руҳий қатламида яширинган маънолар замиридаги гўзалликни излайди. Бизни ҳам тафаккурининг ўзига хос оламига олиб киради.

Биз устоз шоиру адилларнинг оқишлари, мунаққид имдодидан баҳраманд бўлган ижодкорлар иқроори, педагоглар эътирофи, танқидчилар кўллови ҳамда Қозоқбой Йўлдошевнинг умр йўлида йўлдош бўлган кўплаб инсонлар эътиромига таяниб таниқли адабиётшунос, етук методист, бетакрор педагогнинг табиитидаги шахслик хусусиятлари, олимлик салоҳияти ҳамда инсоний фазилатларини қўйдигача умумлаштиришимиз мумкин:

- *дашт одамига хос жўмардлик, андак қайсарлик, чўрткесарлик, жангарлик ва дангаллик баробарида ҳазил-мутўйбага мойиллик, ўрни келганида ҳатто ўз устидан ҳам беаёв қўла олиш;*
- *сийратидеги садоқат, кечиримлик, кўюнаклик, кўнгулчанлик, ростгўйллик, беғуборлик, бағрикенглик, ҳалоқлик, беғараз самимияту меҳрибонлик;*
- *олимлик иқтидорига хос адабий-эстетик қарашларида янгиликка интилиш, кўнгул кўзининг тийранлиги;*
- *ўз фикрини кескин, ёзувчилик, рўй-рост айтиш, ёзувчи ва унинг қарамонлари болниндаги руҳий қатламларни нозик хис этиб, меҳр билан чуқур тадқиқ қилиш;*
- *миллат дарду ҳасрати билан нафас олиш, жаҳон адабиётининг ижодий тажрибаси билан яхши танишлик ва фидойилик.*

Barcha tadbirkorlik subyektlari diqqatiga!

Ўзбекистон “Adolat” sotsial-demokratik partiyasi quyidagi mezonlar asosida partiyaning yangi veb-saytini ishlab chiqish hamda animatsion videoroliklar tayyorlash bo'yicha TANLOV E'LON QILADI:

Partiyaning yangi veb-sayti		
№	1	
- Zamonaviy dasturlash tillari va texnologiyalari asosida partiyaning yangi veb saytini yaratish; - Saytdan foydalanuvchilarga “A'zolik biletlar”ini “elektron shaklda” taqdim qilish uchun maxsus dasturni ishlab chiqish va yangi saytga joylash; - Hamkor tashkilotlarning veb saytlari va elektron tizimlariga partiyaning yangi veb saytini integratsiya qilish kabi texnik shartlarni ta'minlash.		
Animatsion videoroliklarni tayyorlash		Soni
№	1	10 dona
Har birining davomiyligi 30 soniyadan 210 soniyagacha oralıqdagi moushn-dizayn asosida ishlab chiqilgan hamda kadrlar tasvirga mos sifati ovozlashtirilgan animatsion videorolik tayyorlash.		

* Veb sayt hamda unga joylashtiriladigan platformalarning to'liq ishlab chiqilishi, shuningdek, ularning hamkor tashkilotlar elektron tizimlari bilan integratsiya qilish jarayonlari 2 oy muddatda to'liq yakunlanib, topshirilishi lozim.

Yaratilgan veb sayt va dasturlarning to'liq ishlashiga kafolat berilishi bilan birgalikda kamida 6 oylik bepul texnik qo'llab-quvvatlash xizmati ko'rsatilishi shart.

Eslatma! Jadvalda ko'rsatilgan xizmat va materiallar uchun tanlov joriy yilning 27-iyun kuni soat 11:00 da partiyaning Markaziy apparati binosida bo'lib o'tadi.

Tijorat takliflarida xizmat va materiallarni ishlab chiqarishning eng qisqa muddatlari ko'rsatilishi shart. Sifati talabga mos kelmagan va sifat komissiyasi qabul qilmagan mahsulotlar uchun hamda dizayn xizmati uchun (mazkur tanlov g'oligidan tashqari) pul to'lanmaydi.

Tanlovda ishtirok etishni istagan tadbirkorlar tijorat takliflarini “Adolat” SDP Markaziy apparati binosida joylashtirilgan tanlov komissiyasiga joriy yilning 20-iyun kuni soat 18:00 gacha muhrlangan konvertlarda topshirilishi shart.

Moliyalashtirish manbai: byudjetdan tashqari mablag'lar, kelgusida mablag'larning sarflinishi bo'yicha Hisob palatasining tekshiruvi bo'lib o'tishi belgilangan.

Buyurtmachi tomonidan tayyorlanadigan video materiallar soni va davomiyligi, veb-sayt talablari o'zgarishi mumkin!

Tanlov vaqtida quyidagi da'vogarlar shartlariga qo'yilgan tanlov komissiyasi tomonidan takliflari ko'rib chiqilmaydi va ishtirok etishlariga yo'l qoyilmaydi.

- qayta tashkil etish, tugatilish yoki bankrotlik bosqichida bo'lgan;
- barcha zarur hujjatlarni belgilangan muddatda taqdim etmagan;
- ilgari tuzilgan shartnoma (bitim)lar bo'yicha qabul qilingan majburiyatlarni zarur darajada bajarmagan;
- tanlov e'lon qilinguniga qadar ta'sis etilganiga 6 oy bo'lmagan;
- buyurtmachi bilan sud yoki hakamlik muhokamasida ishi ko'rib chiqilyotgan.

Eslatma! Tijorat takliflari bilan birga tadbirkorlik subyekting davlat ro'yatiga olinganligi haqidagi litsenziya yoki guvohnomalari rahbar tomonidan tasdiqlanib, muhrlangan konvertga solingan yuqori holatda, tadbirkorlik subyekting yuridik manzili, telefon raqamlari ko'rsatilib, “Adolat” SDP Markaziy apparatiga taqdim etilishi shart. Tijorat takliflari konvertga solinib muhrlangan yuqori holatda taqdim etilmasa litsenziya yoki guvohnomalari tadbirkorlik subyekti rahbari tomonidan tasdiqlanmasdan shuningdek, tadbirkorlik subyekting yuridik manzili, telefon raqamlari ko'rsatilmagan holda taqdim etilgan tijorat takliflari tanlov komissiyasiga kiritilmaydi.

Muqaddam sifatiz xizmat ko'rsatgan va materiallar tayyorlagan hamda shartnomada belgilangan majburiyatlarni bajarmaganligi oqibatida “Buyurtmachi”larda yomon taassurot qoldirgan tadbirkorlar tanlov komissiyasiga kiritilmaydi.

Murojaat uchun: (71) 288 42 08 (111), (93) 202 14 04, (91) 265 93 96.

Тарғибот

Ёшлар сафи кенгаймоқда

Бугун юргимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг ўз иқтидорини юзага чиқариш ва намоён этишига кўмаклаштиш, сифатли таълим олиб, етук мутахассис бўлишлари учун кенг имкониятлар, зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.



Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ўз олдига энг устувор мақсадлардан бири сифатида белгилаб олган.

Партия жойларда ёшларни ўз сафларида бирлаштираркан, уларни давлат ва жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаолликка ундаб, ўз сиёсий иродаларини рўёбга чиқаришлари борасида ҳам қатор тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Гулҳатиша Айимбетова, «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раис ўринбосари Шарипа Торешова, партиянинг Нукус шаҳар ва Ҳўжайли туман кенгашлари биргаликда Нукус инновацион институтида “Мен адолатни танладим, сиз-чи?” шиори остида тарғибот ишларини олиб борди.

Тарғиботчи гуруҳ томонидан талаба ёшларга партияимиз мақсад ва вазифалари, шу билан биргаликда унинг устав ва дастурларида белгилаш мақсадида бўлган бир қатор устоз ва талаба ёшларга аъзолик билетлари топширилди.

Тадбир якунида партияимизнинг ғоя ва мақсадларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бўлган бир қатор устоз ва талаба ёшларга аъзолик билетлари топширилди.

Сенинг тенгдошинг

Сўнги йилларда Ўзбекистон ёшлари чет элларда таълим олаётган талабалар сони бўйича дунёдаги "ТОП-5" ликка кирувчи мамлакатлардан бирига айланди. Бунда Президентимиз 2018 йил 25 сентябрда имзолаган фармонга биноан ташкил этилган, мутахассисларни хоррижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилишга йўналтирилган "Эл-юрт умиди" жамғармасининг ҳам хизматлари катта бўлмоқда. Жамғарма хоррижда Ватанимизнинг ижобий имижини шакллантириш, дунёнинг етакчи университетларига қабул қилинган иқтидорли йигит-қизларнинг ўқиши давомидаги барча харолатларини молиялаштириш борасида диққатга молик ишларни амалга оширмоқда. Натихада ёшларимиз ҳамма жойда ўз истеъдодлари ва интилишлари билан муваффақият қозонмоқдалар. Биз улардан бири – "Эл-юрт умиди" стипендианти, дунёдаги энг машҳур **Стон Брук университети талабаси Лазиза АБДУХОЛИҚОВА билан интернет орқали суҳбатлашдик.**



ИЛМ ХАРИТАСИНИ МУКАММАЛ ЭГАЛЛАНГ...

– **Лазиза, биламизки, "Эл-юрт умиди" стипендиантисиз ва айна пайтда дунёнинг энг нуфузли университетларидан бирида тахсил оляписиз. Бу муваффақиятларга қандай эришдингиз?**

– 3-синфда ўқиётган пайтларим дадамнинг иш жойи ўзгаргани сабабли Жиззахдан Тошкентга кўчиб келдик. Кўп ўтмай янги уйимиз ёнидаги мактабга ўқишга бора бошладим. Бу мактаб асосан француз тилига ихтисослаштирилган экан. Шунинг учун ўша тилни чуқур ўрганишга киришдик. Айнакча, Французияда ўқиб келган ўқитувчининг ўша мамлакат ҳақидаги ҳикояларини эшитиб, ҳали мактабни битармасимданок дилимда чет элларда ўқиш орзуси ниш урганди. Қолаверса, инглиз ва рус тилларини пухта ўрганиб, фан олимпиадаларида қатнашдим ва фахрли ўринларни эгалладим. Буларнинг барчаси хорриж университетига ўқишга қабул қилинишимда жуда кўп келди.

– **Нега ўқиш учун айнан АҚШ университетини танлагансиз? Бу қарорингизга ота-онангиз қаршилиқ қилишмагани?**

– Боя эслатганимдек, менда чет элда ўқиш истаги болалигимдаёқ пайдо бўлган. Бу ҳақда ота-онамга айтганман. Улар аҳдимни унчалик жиддий қабул қилишмаган. Лекин вақт ўтиб, қарорим қатийлигига ишонч ҳосил қилишгач, рози бўлишди. Шундан сўнг қаерда ўқиш ҳақида роса иш қотирдим. Буни қарангки, коронавирус балоси тарқалган кезлар Ютубда бир интервью намойиш этилди. Унда россиялик блогер АҚШнинг Станфорд университетига ишлайдиган ва ўқийдиган ҳамюртлари билан суҳбатлашди. Ўша кўрсатувни томоша қилгач, мен ҳам шу мамлакат университетларидан бирида ўқийман, деган тўхтамга келдик.

– **АҚШда ўқиш ва университет фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

– АҚШда нафақат хар бир штат ёки шаҳар, балки хар бир университет ўз тартиб-қоидалари, урф-одатлари ва ноодатий кўринишига эга. Мен тахсил олаётган университет Нью Йоркдан четрдаги кичик шаҳарда жойлашган. Унинг худуди шаҳардан ажратилган. Би-

нобарин, уни ўзига хос талабалар шарҳчаси дейиш мумкин.

Одатда АҚШдаги университетлар "Party school" ва "Not party school" деган тоифаларга ажратилади. Бизнинг университетимиз "Not party school" деб аталади. Чунки унда бор диққат-эйтибор интизомга ва ўқишга қаратилади. Унда ҳақиқатли тадбирлар ва кўнгулочар байрамлар деярли ўтказилмайди, шанба ва яшанба кунлари бинолари бўш бўлади.

Мен ўзим ўқиётган муҳандислик йўналишидан ва тажрибамдан келиб чиқиб айта оламани, бу ерда STEAM фанлар жудаям қийин. Шу боис университетдаги барча кутубхоналар доимо талабалар билан гавжум.

– **"Эл-юрт умиди" жамғармаси ҳақида илк бор қачон эшитгансиз ва унинг стипендиантлигига сазовор бўлишда қандай қийинчиликларга дуч келгансиз?**

– Дунёнинг нуфузли университетларига имтиҳон топшираётганимда улардан 100 фоизлик грант ютишимга ишонгандим, афсус, ниятимга эриша олмадим. Шунга қарамай, ота-онамни моддий жиҳатдан қийнамасдан хоррижда ўқиш ҳақида кўп ўйлардим. Университетларга хужжат топширишда менга кўмаклашган танишим кунларнинг бирнда "Эл-юрт умиди" жамғармаси борлигини эслатди. Кейин жамғарمانинг телеграм каналда ўтказилган онлайн вебинарида қатнашдим. Унда муқаддам жамғарма стипендиантлигини кўлга киритган бир боланинг унга хужжат топшириш ва хоррижда ўқиш билан боғлиқ таасуротларини эшитиб, мен ҳам айнан шу фонда хужжат топширдим. Имтиҳонлар чоғи унчалик қийналмадим, чунки уларнинг хар бирига астойдил ҳозирлик кўргандим.

– **Кўпчилик "Эл-юрт умиди" фонди стипендианти бўлиб, хоррижда 4 йил ўқиб, Ватанимизга қайтгандан кейин 5 йил давомида давлат идораларидан бирида маошсиз ишлаб бериш керак", деб айтади. Бу қанчалик ҳақиқатга яқин, яъни, сиз стипендиант бўлиб, жамғарма билан шартнома тузган пайтингизда бу нарса аниқ кўрсатилганми?**

– Тўри, бу ҳақда мендан ҳам кўпчилик сўрайди, лекин бу нотўғри маълумот. Ўзим ҳам бошида шундай



АҚШ университетларида доимо "extra point" (қўшимча балл) учун имкон

берилади. Агар семестр охирида талабага бир неча балл етмаётган бўлса, бемалоо қўшимча вазибаларни бажариб, баҳосини кўтариб олиши мумкин. Энг муҳими, бу таълим муассасаларида толиби илмнинг шахсияти қаттиқ ҳурмат қилинади ва баҳолар ҳеч қачон барчаннинг олдида айтилмайди, ҳамма ўз баҳосини фақат ўзи кўра олади. Машгулотлар чоғи мавзуларни яхши тушунмаганлар учун профессорлар алоҳида қўшимча дарс соатлари ўтадилар. Ўқишни астойдил хоҳлаган, ҳаракат қилган ва изланишда бўлган талабалар имтиҳондан йикитилмайди.

деб ўйлаганман. Чунки давлат талабанинг хоррижда ўқиши билан боғлиқ ҳамма харолатларини тўлаб, қайтиб келганидан кейин иш билан таъминлаб, яхши маош беришига ишонки қийин. Лекин бу жамғарманнинг асосий максоди – бизга тўлаган пулини қайтариб олиш эмас, аксинча, бизнинг билимимизга ва юртимизнинг келажоғига қўшадиган хиссамизга инвестиция киритиш, яъни, биз хоррижда тахсил олиб Ватанимизга қайтиб келганимиздан кейин давлат идораларида фаолият юриатамиз ва ҳаттоки, қўшимча устама билан маош оламиз. Бу жамғарма билан тузган шартномамда ҳам кўрсатилган.

– **Хоррижда ўқиётган ўзбек қизи сифатида Ўзбекистон ва АҚШ таълим тизимлари ҳақида қандай фикрдасиз?**

– Улар ўртасида кескин фарқлар бор. АҚШдаги барча университетларда баҳолар "5"лик тизимда эмас, балки харфлар билан белгиланади. Синф иши, уйга вазифа, оралик ва назорат ишларига алоҳида

баҳо қўйилмайди, балки якуний баҳо учун баллар тўпланади. Хар бир ўқитувчининг ўз баҳолаш тартиб-қоидаси ва усули бор. Баъзи профессорлар семестр баҳосини фақат уй иши ва имтиҳонлардан тўпланган балларга қараб чиқаришади, айримлари бу жараёнда талабанинг давомати ва дарслардаги фаоллигини, бошқалари эса жамоавий ишларда қатнашганини ҳам инобатга олишади.

АҚШ университетларида доимо "extra point" (қўшимча балл) учун имкон берилади. Агар семестр охирида талабага бир неча балл етмаётган бўлса, бемалоо қўшимча вазибаларни бажариб, баҳосини кўтариб олиши мумкин. Энг муҳими, бу таълим муассасаларида толиби илмнинг шахсияти қаттиқ ҳурмат қилинади ва баҳолар ҳеч қачон барчаннинг олдида айтилмайди, ҳамма ўз баҳосини фақат ўзи кўра олади. Машгулотлар чоғи мавзуларни яхши тушунмаганлар учун профессорлар алоҳида қўшимча дарс соатлари ўтадилар. Ўқишни астойдил хоҳлаган, ҳаракат қилган ва изланишда бўлган талабалар имтиҳондан йикитилмайди.

Шуни ҳам айтиб ўтишим жоизки, АҚШ университетларида машгулотга кечибиб келган, форма киймаган, тестда яхши балл тўплай олмаган, уй вазибаларни бажармаган ёки олдинги дарсга қатнашмаган ёшлар курсдошлари олдида дақиқ эшитилмадилар. Бундан ташқари, баҳоларни "сотиб олиш"нинг умуман иложи йўқ. Демак, коррупцияга йўл қўйилмайди. Аммо талаба кўчирмақашлиги, плагиаторлиги, ёлғон гапиргани учун уч мартадан ортиқ оғохлантириш олса, университетдан четлатилиши ҳеч гап эмас. Ҳатто бошқа университетга хужжат топшира олмагани ва масъулиятли вазибаларга ишга олинмаслиги ҳавфи ҳам бор. АҚШ таълим тизимида ҳамма фанларга креатив ёндашилади. Энг муҳими, илм харитасини мукаммал эгаллашдир.

– **Лазиза, суҳбат учун сизга раҳмат. Ўқишларингизда ва келажакдаги ишларингизда омад тилаймиз.**

ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси Гулқумар ЖАҚСИЛИҚОВА суҳбатлашди

Ана холос!

Бош прокуратура:

ЭКИЛМАГАН БИР МИЛЛИОНДАН ЗИЁД КЎЧАТ ҲИСОБОТЛАРГА ҚЎШИБ ЁЗИЛГАН

«Яшил макон» умум-миллий лойиҳаси доирасида 541 та ҳолатда амалда экилмаган бир миллиондан зиёд кўчат ҳисоботларга қўшиб ёзилган. Бу ҳақда Бош прокуратура бошқарма бошлиғи Ўктам Ўтаев маълум қилди.



Қайд қилинишича, **БАҲОР**

МАВСУМИДА 139 МИЛЛИОН ТУП ДАРАХТ ЭКИЛГАНИ ТЎҒРИСИДА ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАГА МАЪЛУМОТ КИРИТИЛГАН. БИРОҚ 541 ТА ҲОЛАТДА АМАЛДА ЭКИЛМАГАН БИР МИЛЛИОНДАН ЗИЁД КЎЧАТ ҲИСОБОТЛАРГА ҚЎШИБ ЁЗИЛГАН.

Шунингдек, 441 та ҳолатда 580 минг туп кўчат сўғориш тизими бўлмаган жойларга экилган. 35 та ҳолатда етказиб берилган кўчатлар ўз вақтида экилмагани сабабли 19 мингдан ортиқ кўчат нобуд қилинган.

Ў.Ўтаев берган маълумотларга кўра, 7232 та ноқонуний дарахт кесиш ҳолати аниқланиб, хар бир нобуд қилинган дарахт учун 100 туп кўчатни компенсация тарзида экиш мажбурияти юкланган.

Ноқонуний дарахт кесиш ҳолатларига мораторий эълон қилиниши натижасида дарахт кесиш ҳолатлари икки баробарга камайгани таъкидланмоқда (2020 йилда 10536 та, 2023 йилда 5472 та).


Табиатга етказилган зарар ва зиён учун компенсация тўловлари бўйича 400 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағлари ундирилган.



Энг буюк Ҳаж бир кўнгилга йўл топиб киришдир.

Жалопиддин РУМИЙ

Бир куни...



Лев Толстойни ўз премьерасига қўйишмаган

Граф Лев Толстой ёшлиғида пўрним кийинишни яхши кўрган. У энг зўр салонларга кийим буюртма қилган. Лекин кейинроқ Лев Толстой оддий халққа, деҳқонларга яқинлашди. У башанг кийимда деҳқонлар билан суҳбатлашишдан ийманарди.

Тула шаҳрида Толстойнинг "Таълим медалари" пьесаси саҳналаштирилади. Муаллифни спектакль премьерасига таклиф қилиб, фахрий ўрин ажратилади.

Ёзувчи театрга оддий кийимда келади. Театр дарвозасида турувчи эшикбон Толстойни ичкарига қўймайди. Муаллиф ноиллож театр олдидаги скамейкага ўтиради.

Шу орада маҳаллий мансабдор театрга келатиб Толстойни таниб қолади ва ёзувчидан нега бу ерда ўтирганини сўрайди.

Лев Николаевич хотиржам жавоб беради: "Ўтирибман. Ўз пьесамни кўрмоқчи эдим, лекин киритишмаяпти".

Ташкилотчилар бўлиб ўтган воқеадан хижолат бўлишиб, Толстойни энг яхши жогага таклиф қилишади.

- Робохон МАХМУДОВА
- Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
- Наримон УМАРОВ
- Муҳаммад АЛИН
- Гавхар АЛИМОНОВА
- Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
- Қодир ЖўРАЕВ
- Зухра ИБРАГИМОВА
- Тошқўлат МАТИБАЕВ
- Талъат МУРОДОВ
- Абдуқамол РАҲМОНОВА
- Собир ТУРСУНОВ

